

20~~20~~ у. «30» октябрь

№ 125

**“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятида Коррупцияга қарши курашиш
сиёсатини тасдиқлаш түғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг Коррупцияга қарши курашиш сиёсати иловага биноан тасдиқлансан.

2. “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг департаментлари ва бўлимлари, шунингдек “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг тизимига кирувчи корхоналар:

коррупция хатти-ҳаракатларини олдини олиш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш сиёсати амалга оширилишини таъминлаш бўйича чоралар кўрсинг;

ҳар чоракда бажарилган ишлар түғрисидаги ахборот “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг “Комплаенс-назорат хизмати” бўлимига тақдим этиб борилсан.

3. Жамият ишларни бошқариш бўлими (Мурзакулов) “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ижро аппарати ходимларини ва тизимдаги корхоналарни мазкур буйруқ билан таништирун.

4. Мазкур буйруқ ижро этилиши устидан назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарув Раиси

У.Сайидов

17-120

4
13.10.20

“Ўзтрансгаз”
акциядорлик жамиятининг
30.09.20 йилдаги 125-сон
буйругига 1 илова

“ЎЗТРАНСГАЗ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
СИЁСАТИ

Тошкент - 2020 йил

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг Коррупцияга қарши курашиш сиёсати (кейинги ўринларда “Сиёсат” деб номланади) коррупция фаолиятига жалб қилишга қарши курашиш ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш соҳасида ўзаро боғлиқ тамойиллар, тартиботлар ва муайян чора-тадбирларнинг мажмуасини белгилаб берувчи маҳаллий меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

2. Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш қонун ҳужжатлари, “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг Касб одоби кодекси ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг Устави талабларига мувофик ишлаб чиқилган.

2-БОБ. СИЁСАТ МАҚСАДИ

3. Сиёсат коррупция фаолиятига жалб қилишга қарши курашиш соҳасида “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг позициясини ифодалайди ҳамда “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти фаолиятига нисбатан ягона тамойиллар ва ёндашувларни белгилайди.

4. Ушбу Сиёсат қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва унинг таркибиға киравчи ташкилотлар ходимларида ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари аъзоларида “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва унинг таркибиға киравчи ташкилотларда барча корпоратив бошқариш даражаларида ҳар қайси шакллар ва кўринишларда коррупция хатти-ҳаракатларига асло тоқат қиласлик тўғрисида бир хил тушунчани яратиш;

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятини коррупция фаолиятига жалб қилиш хавфини минималлаштириш мақсадлари, вазифалари ва усулларини мустаҳкамлаш ва таърифлаш.

3-БОБ. СИЁСАТ ВАЗИФАЛАРИ

5. Қуйидагилар Сиёсат вазифалари ҳисобланади:

Ходимлар, раҳбарият ва ўзга шахсларни “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва унинг таркибиға киравчи ташкилотларда қўлланиладиган Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш қонун ҳужжатлари, шунингдек ҳалқаро конвенцияларнинг тамойиллари ва асосий талаблари тўғрисида хабардор қилиш;

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва унинг таркибиға киравчи ташкилотларда коррупция фаолиятига жалб қилиш хавфини минималлаштириш бўйича қабул қилинган ташкилий чора-тадбирларни умумлаштириш ва тушунтириш;

коррупция холлари тўғрисида маълум қилиш учун ахборот пештахталарини шакллантириш;

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва унинг таркибига киравчи ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш борасида кўлланиладиган қонун ҳужжатлари тамойиллари ва талабларига риоя қилиш мажбуриятини ўрнатиш.

4-БОБ. ТАЪСИР ҚИЛИШ СОҲАСИ

6. Ушбу Сиёсат:

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти бошқарув органларининг аъзолари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва унинг таркибига киравчи ташкилотлар ходимлари.

7. Сиёсат талаблари “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг шульба ва тобе жамиятида, шунингдек “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти бевосита ёки билвосита иштирок этадиган ўзга жамиятда улар амалга киритилганидан сўнг жамият устави ва жамиятда ўрнатилган тартибга мувофиқ ижро этиш учун мажбурий бўлади.

8. “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва унинг таркибига киравчи ташкилотлар “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва/ёки гуруҳ Жамиятлари учун иш бажарувчи/хизмат кўрсатувчи ёки товарлар етказиб берувчи ташкилотлар билан шартномалар тузишда шартнома шартларига кўлланиладиган коррупцияга қарши курашиш қонун ҳужжатларининг талабларини сўzsиз бажариш ва тамойилларига риоя қилиш тўғрисида бандни киритишлари шарт.

9. “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти барча ходимлари ва бошқарув органлари аъзолари, эгаллаб турган лавозимларидан қатъий назар, ушбу Сиёсатнинг тамойиллари ва талабларига риоя қилиш учун, шунингдек уларга бўйсунувчи шахсларнинг кўрсатилган тамойилар ва талабларни бузувчи ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) учун жавобгар бўладилар. Кўрсатилган жавобгарлик “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг барча ходимлари ва бошқарув органлари аъзоларининг лавозим мажбуриятларида акс эттирилади.

10. Ушбу Сиёсатнинг талаблари бузилишига айбдор бўлган шахслар “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ёки тизимдаги корхоналари, хукуқни муҳофаза қилиш органлари ёки ўзга шахслар ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, маҳаллий-меъёрий ҳужжатлар ва меҳнат шартномаларида назарда тутилган тартибда интизомий, маъмурий, фуқаровий-хукукий ёки жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

11. Бошқарув, маҳаллий-меъёрий ва ўзга ички ҳужжатлар ушбу Сиёсатга зид бўлмаслиги керак.

5-БОБ. АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ ВА ЎЗГАРТИРИШЛАРНИ КИРИТИШ ТАРТИБИ

12. Ушбу Сиёсат доимий амал қилувчи маҳаллий меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

13. Сиёсат “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятида “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти раисининг буйруғи билан тасдиқланади ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти раисининг буйруғи билан амалга оширилади.

Сиёсат “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти раисининг буйруғи асосида “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятида ўз кучини йўқотган деб тан олинади.

Сиёсатга ўзгаришилар “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти раисининг буйруғи асосида киритилади ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти раисининг буйруғи билан амалга оширилади.

Сиёсатга ўзгаришилар қўйидаги ҳолларда киритилади: қўлланиладиган қонун ҳужжатлари ўзгарганида, ташкилий тузилма, раҳбарларнинг ваколатлари ўзгарганда ва бошқа ҳолларда.

14. Коррупцияга оид ва бошқа ҳукуқбузарликларни олдини олиш учун жавобгарлик “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг “Комплаенс-назорат хизмати” бўлими ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари зиммасига юкланди.

6-БОБ. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Яқин шахслар - эр, хотин, фарзандлар (вояга етганлар ва вояга етмаганлар), шу жумладан фарзандликка олинганлар, aka-укалар ва опасингиллар, ота-она ва ходимни фарзандликка олган шахслар.

Лозим даражада эҳтиёткорлик - оқилоналий ва ҳалоллик тушунчаларига асосланган тамойил, унга мувофиқ “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва унинг ходимлари хўжалик операцияларни амалга оширишда ёки бошқарувчилик қарорларини қабул қилишда, шу жумладан шартномавий муносабатлар вужудга келгунга қадар контрагент ёки ишга кирувчи номзоднинг виждонсизлиги аломатлари мавжуд эканлигига оқилона асосланган фикр шаклланиши учун етарлича маълумотларни олиш учун жавобгар бўладилар.

Контрагент - “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ёки таркибий бўлинмаларининг шартномавий муносабатларга, меҳнат муносабатлари бундан мустасно, кирувчи ҳар қайси ўзбек ёки хорижий юридик ёки жисмоний шахс.

Манфаатлар тўқнашуви - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг,

ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг хукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган, шунингдек “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва/ёки гурух Жамиятларининг хукуқлари, қонуний манфаатлари, молмулки ва (ёки) ишбилармонлик обрўсига зарар етказишга қодир бўлган вазият.

Корпоратив комплаенс тизими - юксак касбий ва одоб стандартларини таъминлаш, қонунчиликка риоя қилмаслик хавфларини минималлаштириш ва сезиларли даражада молиявий зарарни ёки нуфузга путур этказилишини олдини олиш мақсадида қонун ҳужжатлари, тармоқ меъёрлари ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг меъёрий ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик тадбирлари ва эҳтиёт чоралари комплекси.

Коррупция хатти-ҳаракатлари - пора таклиф қилиш, бериш, ваъда қилиш, пора сўраб товламачилик қилиш ва уни олиш, порахўрликда воситачилик қилиш, ҳар қайси шаклда, шу жумладан пул маблағлари, ўзга бойиклар, хизматлар ёки ҳар қайси шахслардан/ташкилотлардан ёки ҳар қайси шахсларга/ташкилотларга, шу жумладан давлат вакиллари, жамоат бирлашмалари, хусусий компаниялар ва сиёсий арбобларга асоссиз моддий ёки номоддий фойдани тақдим қилиш/олиш кўринишда маъмурий, бюрократик ва ўзга расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни амалга ошириш.

Маҳаллий меъёрий ҳужжат - “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятида ўрнатилган тартиботларга риоя қилиб берилган ваколатларга мувофиқ ваколатланган бошқарув органи ёки мансабдор шахс томонидан қабул қилинган (тасдиқланган) белгиланган шаклдаги ички меъёрий ҳужжат “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти фаолиятида амалда бўлган), унда кўп марта қўллаш мақсадида “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти фаолиятига, шу жумладан ходимларга, ишлаб чиқариш ва/ёки бошқариш жараёнларига, маҳсулотга, тизимларга, технологияларга нисбатан унинг талаблари “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг ходимлари ва қўллаш бўйича мажбуриятлар кучида ўз таъсирини тарқатадиган бошқа шахслар ижро этиши учун қоидалар ва талаблар белгилаб қўйилади.

Ходим - “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ёки тизимдаги корхоналар билан меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахс.

Ходимнинг шахсий манфаатлари - ходимнинг ёки унинг яқин шахслари ва/ёки қариндошларининг ҳар қайси шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва ўзга манфаатлари.

Қўллаб бўладиган қонун ҳужжатлари - Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисида қонун ҳужжатлари қоидалари.

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг олий раҳбарияти (топ-менежмент) - олий даражада раҳбарликни амалга оширувчи шахс ёки ходимлар гурухи.

Компания - “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти асосий ёки устуворлик қилувчи (иштирок этувчи) жамият сифатида бевосита ёки билвосита иштирок этувчи турли ташкилий-хуқуқий шакллардаги юридик шахслар гурухи, шу жумладан “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти.

Тизимдаги корхоналар - унинг устав капиталида “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг бевосита ва (ёки) билвосита акциялар ёки улушлар билан эгалик қилиш улуши 20 фоиз ва ундан кўпроғини ташкил қилувчи хўжалик жамияти.

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятини бошқарув органлари - “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг Акциядорлари умумий йигилиши, “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгashi ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг Бошқаруви.

Компания раҳбарияти - Компания фаолиятининг маълум йўналишлари ва Компанияни бошқариш учун масъул бўлган шахс ёки ходимлар гурухи.

Таркибий бўлинма (ТБ) - Таркибий тузилма тўғрисида низомда белгиланган ўз ваколатлари доирасида мустақил функциялар, вазифалар ва жавобгарликка эга “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ёки тизимдаги корхоналар таркибий бўлинмаси (таркибий бўлинмалар департаментлар, бўлимлар, бошқармаларга бўлинади, гурух ва бўлинмалар “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг таркибий бўлинмаларида бошқариш аппарати ҳисобланади).

7-БОБ. СИЁСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

15. Хуқуқий асослар:

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти оммавий компания ҳисобланади, шунинг учун Компания фаолияти ва унинг ходимларининг хатти-харакатлари шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш қонун хужжатларининг талабларига мувофиқ бўлиши, халқаро хужжатлар ва ҳудудида Компания ўз фаолиятини олиб бораётган ёки фаолиятни олиб бориши режалаштираётган хорижий давлатларнинг меъёрий хужжатлари талабларини ҳисобга олиши керак.

Ушбу Сиёсатда қуйидаги меъёрий-хуқуқий хужжатлардаги тамойиллар ва меъёрлардан фойдаланилган:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган 58-чи Боз Ассамблеяси 51-чи пленар мажлисида 31.10.2003 йилдаги 58/4-сон Резолюция билан қабул қилинган);

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг халқаро тижорат операцияларини амалга оширишда хорижий давлатларнинг мансабдор шахсларига пора эвазига оғдиришга қарши курашиш бўйича конвенцияси (21.11.1997 йилда Истанбулда қабул қилинган);

Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида конвенция (27.01.1999 йилда Страсбургда тузилган, ETS 173-сон);

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сон “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конуни.

16. Куйдагилар Сиёсатнинг методологик асослари ҳисобланади:

Transparency International халқаро ташкилотининг “Корпоратив коррупцияга қарши дастурларининг етакчи амалиётига мувофиқ Буюк Британиянинг “Порахўрликка қарши курашиш тўғрисида”ги Конуни талабларига биноан тартиботлар тўплами” (Transparency International the 2010 UK Bribery Act Adequate Procedures Guidance on good practice procedures for corporate anti-bribery programmes) тавсиялари;

Халқаро савдо палатасининг товламачилик ва порахўрлик ҳолларига йўл қўймаслик учун хулқ-атфор қоидалари (ICC Rules on Combating corruption) тўплами;

Transparency International халқаро ташкилотининг “2010 Коррупцияга қарши курашиш соҳасида терминларни аниқ белгилаш” (Transparency International Anti-corruption Plain Language Guide 2010) маълумотномаси.

8-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР

17. Коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига асло тоқат қилмаслик:

Компания ҳам операцион, ҳам инвестицион ва ўзга фаолият турларини амалга оширишда коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига тоқат қилмаслик тамойилига амал қиласди.

Коррупцияга тоқат қилмаслик тамойили “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва тизимдаги корхоналар ходимлари, бошқарув органлари аъзолари ва Компания номидан ёки унинг манфаатларида ҳаракат қилувчи ўзга шахслар учун бизнесни у ёки бу мамлакатда олиб бориш амалиётидан қатъий назар коррупция хатти-ҳаракатларида бевосита ёки билвосита, шахсан ёки ҳар қандай воситачилик орқали иштирок этишга қатъий тақиқни англатади.

Компания ҳам давлат вакиллари, жамоат бирлашмалари, хусусий компаниялар, сиёсий арбобларга нисбатан, ҳам Компания ходимларига

нисбатан ҳар қандай шахсий фойда олиш мақсадида хизмат мавқеини сустеъмол қилиш орқали коррупция хатти-ҳаракатларига, шу жумладан манфаатлар тўқнашуви намоён бўлишига йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлаб ўтади.

Ўз ҳаракатлар қонунийлигига ва улар ушбу Сиёsat талабларига мувофиқ эканлигига гумон пайдо бўлган тақдирда, ходим ушбу масала юзасидан бевосита раҳбари ёки Компанияда ишбилармонлик обўрисига риоя қилиш учун масъул бўлган мансабдор шахс билан маслаҳатлашиши лозим.

Компания қўлланиладиган қонун ҳужжатлари ва ушбу Сиёsatнинг талабларини бузган шахслар тўғрисида ахборотни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартларда ошкор қилиш ҳукуқини ўзида сақлаб олади.

18. Жазонинг муқаррарлиги

Компания Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва Компания ўз фаолиятини олиб бораётган ёки олиб боришни режалаштираётган ўзга мамлакатларнинг қонун ҳужжатларига қатъий амал қиласди ҳамда унинг ҳар қандай ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, шу жумладан коррупция фаолиятига жалб қилишга қарши курашиш соҳасидаги ҳаракати қўлланиладиган қонун ҳужжатларининг меъёрларига зид эмас.

19. Қонунийлик

Компания Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва Компания ўз фаолиятини олиб бораётган ёки олиб боришни режалаштираётган ўзга мамлакатларнинг қонун ҳужжатларига қатъий амал қиласди ҳамда унинг ҳар қандай ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, шу жумладан коррупция фаолиятига жалб қилишга қарши курашиш соҳасидаги ҳаракати қўлланиладиган қонун ҳужжатларининг меъёрларига зид эмас

20. Коррупция фаолиятига жалб қилиш хавфларни мунтазам баҳолаш

Компания унинг эҳтимолдаги заиф бизнес-жараёнлари учун хос бўлган коррупция хавфларини аниқлайди, баҳолаш ва даврий қайта баҳолашни олиб боради. Хавфларни аниқлашда ва баҳолашда Компания фаолият ва режалар, шу жумладан баҳолаш ва қайта баҳолаш пайтида фойдаланиш мумкин бўлган инвестицион ва стратегик режалар тўғрисида ахборот тўла бўлишини ҳисобга олади.

21. Тегишли тартиботларнинг тизимлилиги ва мутаносиблиги

Компания коррупция фаолиятига жалб қилишга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича тегишли тартиботлар тизимини ишлаб чиқади ва жорий этади. Компания тартиботларни максимал равишда шаффоф, аник, ижро этиш имконига эга ва аниқланган хавфларга оқилона жавоб берадиган қилишга интилади.

22. Лозим даражада эҳтиёткорлик

Компания контрагентлар ва ишга кирувчи номзодларнинг ишончлилиги, коррупцияга тоқат қилмаслиги ва манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги юзасидан ишбилармонлик муносабатларни бошлаш ёки давом эттириш тўғрисида карор қабул қилишдан олдин уларни текширувани амалга оширади.

23. Хабардор қилиш ва ўқитиш

Компания ушбу Сиёсатни эркин фойдаланиш учун ўзининг интернетдаги веб-саҳифасида эълон қиласи ва коррупцияга тоқат қилмаслигини баён қиласи.

Компания қўлланиладиган қонун хуужатлари, “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг Касб-одоб кодекси, ушбу Сиёсат ва коррупция фаолиятига жалб қилишга қарши курашишга нисбатан ўзга маҳаллий меъёрий ҳужжатларнинг тамойиллари ва меъёрлари ҳақида хабардор қилиш ва тушунириш бўйича оқилона эҳтимолдаги сайъи-ҳаракатларни ишга солади.

24. Мониторинг ва назорат

Компания коррупция фаолиятига жалб қилишга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича жорий этилган тегишли тартиботларнинг самарадарлиги нуқтаи назаридан мониторингини амалга оширади ва уларга риоя қилишни назорат қиласи.

Бошқарув “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ходимларининг эҳтимолдаги корпоратив фирибгарлиги, коррупцияси, ўзга виждонсиз хатти-ҳаракатлари масалалари бўйича маҳсус текширувлар (суриштиришлар) ўtkазилиши устидан назоратни амалга оширади.

25. Тегишли тартиботлар тизимини такомиллаштириш

Компания ўз ходимларини ва манфаатдор шахсларни ушбу Сиёсат қоидларининг эҳтимолдаги бузилишлари ва риоя қилмаслик ҳоллари юзасидан ўзларининг гумонлари ҳақида имкон борича эртароқ хабардор қилишларига, шунингдек коррупция фаолиятига жалб қилишга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва чоратадбирларни таклиф қилишларига чақиради.

Хабарлар қўйидаги усулларда:

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг “Комплаенс-назорат хизмати” бўлими раҳбарига;
ўзининг бевосита ёки юқори турувчи раҳбарига етказилиши мумкин.

Ходимлар уларни коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни содир этишга оғдириш мақсадида ҳар қандай шахслар уларга мурожаат қилган барча ҳоллар тўғрисида ўзларининг бевосита раҳбарига ёки “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг “Комплаенс-назорат хизмати” бўлими раҳбарига ёзма шаклда энг қисқа муддат ичida хабардор қилишлари шарт.

Компания коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар тўғрисида хабардор қилган барча ходимлар ва ўзга шахсларга маҳфийликка кафолат беради.

26. Ўзаро ҳамкорлик қилиш ва мувофиқлаштириш

Компания уни коррупция фаолиятига жалб қилишга қарши курашиш жараёнида барча манфаатдор таркибий бўлинмалар ўзаро ҳамкорлик қилишларини, шунингдек давлат ҳокимияти органлари ва жойлардаги ўзини-ўзи бошқарув органлари ва ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишларини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

9-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

27. Совғалар ва вакиллик харажатлари

Компания ишбилармонлик совғалари билан алмашиш ва вакиллик харажатларини, шу жумладан ишбилармонлик меҳмондўстлиги учун харажатларни бизнес юритишнинг ва умум қабул қилинган ишбилармонлик амалиётининг зарурый қисми сифатида тан олади. Компания ишбилармонлик совғаларига ва ишбилармонлик меҳмондўстлиги учун харажатларга нисбатан ҳалоллик ва шаффофлик мухитини ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

Шу билан бирга, Компания ушбу соҳани коррупция фаолиятига жалб қилиш хавфи нуқтаи назаридан заиф деб ҳисоблади, шунинг учун “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти номидан ёки унинг манфаатида амалга ошириладиган шунга ўхшаш барча операциялар қуидаги тамойилларга:

кўлланиладиган қонун хужжатлари, “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг Касб-одоби этикаси ва бошқа маҳаллий меъёрий хужжатларнинг меъёрларига тўлиқ жавоб бериши;

равшан бизнес-мақсад мавжудлигини назарда тутиши, давлат вакиллари, жамоат бирлашмалари, хусусий копаниялар, сиёсий арбоблар ёки ўзга шахслар томонидан “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва/ёки груп Жамиятлари фаолиятини сақлаш ёки кенгайтиришга таъсир қилувчи қарорлар қабул қилинишига бевосита ёки билвосита таъсир қилмасликлари;

совға берувчи ёки ишбилармонлик меҳмондўстлиги бўйича тадбирлар ташкилотчиси олдида ҳар қандай мажбуриятлар пайдо бўлишини назарда тутмаслиги;

совғалар ёки вакиллик харажатлар тўғрисида ахборот ошкор қилинганда Компания, ходимлар ва ўзга шахслар учун нуфузга тегадиган ёки ўзга хавф туғдирмаслиги;

нақд ёки нақдсиз пул воситалари, қийматли қофозлар, қимматбаҳо металлар бўлмаслиги ва ўзи билан пул маблағлари ва/ёки дабдабалик буюмларининг ўзга кўринишлари ва эквивалентларини касб этмаслиги зарур.

Ишбилармонлик совғалари ва ишбилармонлик меҳмондўстлиги учун барча харажатлар Компания раҳбарияти томонидан маъкулланиши керак.

Ишбилармонлик совғаси ёки ишбилармонлик мөхмандўстлиги бўйича тадбир ушбу Сиёсатнинг талабларига мувофиқ эканлигига гумон пайдо бўлганида, ходим ушбу масала юзасидан ўзининг бевосита раҳбари билан маслаҳатлашиши керак.

28. Хайрия, ҳомийлик ва молиявий ёрдам

Компания давлат вакиллари, жамоат бирлашмалари ёки ўзга шахслар томонидан “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва/ёки тизимдаги корхоналар фаолиятини сақлаш ёки кенгайтиришга таъсир қилувчи қарорлар қабул қилинишига бевосита ёки билвосита таъсир қилиш мақсадида, ёки агар шунга ўхшаш ёрдам бундай таъсир қилишга уриниш деб қабул қилиниши мумкин бўлганида хайрия, ҳомийлик ва молиявий ёрдам кўрсатмайди.

29. Контрагентлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, воситачилар орқали ва ўзга шахслар фойдасига тўловлар

Компания унинг номидан ёки унинг мақсадларида ҳаракат қилувчи воситачилар, агентлар, шериклар ва ўзга шахсларни жалб қилишдан ҳамда ушбу Сиёсат, “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти Касб одоби кодексининг тамойиллари ва талабларини бузувчи, шунингдек уларни амалга ошириш тўғрисида ахборот ошкор қилинганда Компания, ходимлар ва ўзга шахслар учун хавф, шу жумладан нуфузга тегадиган хавф тұғдурувчи ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш учун қўшма корхоналарда иштирок этишдан сақланади.

Воситачи, агент, шерик ва ўзга контрагент билан ҳамкорликни бошлиш ёки давом эттириш тўғрисида ёки қўшма корхонада иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин **Жамият**:

эҳтимолдаги контрагентлар ва қўшма корхоналар бўйича шериклар тўғрисида, уларнинг нуфузи, коррупцияга тоқат қиласлиги ва манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги тўғрисида ахборотни йигади, таҳлил қиласи ва уларни текширишни амалга оширади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга (қонунийлаштиришга) қарши курашиш мақсадида, эҳтимолдаги контрагентлар (битим бўйича наф олувчилар) билан муносабатларни юридик жиҳатдан расмийлаштиришдан олдинги босқичда уларни пул маблағлари манбаси, шунингдек маблағлар жўнатиладиган банк, юрисдикция борасида дастлабки текширув ўтказилишини амалга оширади;

уларга ушбу Сиёсатнинг тамойиллари ва талаблари тўғрисида хабардор қиласи.

Компания қўшма корхоналарда ва контрагентларда ушбу Сиёсатга ўхшаш коррупция фаолиятига жалб қилишга қарши курашиш бўйича ички меъёрий ҳужжатлари қабул қилинишини қўллаб-куватлайди.

Контрагентлар билан шартномавий муносабатларни ўрнатишида шартномалар шартларига коррупцияга қарши қўлланиладиган қонун

хужжатлари ва ушбу Сиёсатнинг талабларига риоя қилиш тўғрисида ишонтиришлар ва мажбуриятлар, шунингдек кўрсатилган талабларга риоя қилиш мақсадида “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва гурух Жамиятларининг ҳисобга олиш бухгалтерия китоблари аудитини ўтказиш ҳуқуқи киритилади.

Компания контрагентлар ва қўшма корхоналар бўйича шериклар томонидан коррупция хатти-ҳаракатларини содир этиш ҳоллари аниқланган тақдирда, улар билан шартномаларни бекор қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

30. Давлат ёки жамоат бирлашмалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш

Компания ҳар қандай тижорат ва/ёки рақобат устуворликларини бевосита ёки билвосита олиш мақсадида давлат ёки жамоат бирлашмалари вакилларининг, шунингдек уларнинг яқин шахслари ва/ёки оила аъзоларининг ёки улар манфаатида қилинадиган ҳар қандай харажатларини тўлашдан, шу жумладан улар томонидан Компания ҳисобидан моддий ёки ўзга фойда олишдан сақланади.

31. Назорат ва аудит

Компания ички назорат тизимининг, хусусан бухгалтерия ва бошқарув ҳисоби тизимининг мунтазам ташки ва ички аудит текширувлари ўтказилишини, шунингдек қўлланиладиган қонун ҳужжатлари ва Компаниянинг маҳаллий меъёрий ҳужжатлар талабларига, шу жумладан ушбу Сиёсатда белгиланган тамойиллар ва талабларга ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга (қонунийлаштиришга) қарши курашиб соҳасида қонун талабларига риоя қилиш устидан назорат олиб борилишини таъминлайди.

32. Коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш

Компания коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун замин яратилиши хавфларини истисно этиш мақсадида ҳужжатлар, маҳаллий меъёрий ва бошқарувчилик ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилишини таъминлайди.

Кириллди:

Юридик бўлими бошлиги



Ш.Улугхўжаев

Келишилди:

Бошқарув раисининг
биринчи ўринбосари



М.Нажмитдинов

Бошқарув раисининг
биринчи ўринбосари




Ж.Шамсиев

Бошқарув раисининг
ўринбосари



А.Алимов

Бошқарув аппарати билан
ишлаш бўйича департаменти
бошлиги вазифасини бажарувчиси



М.Норматова